O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Самимий қутловлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Корея Республикаси Ҳукумати ва бутун корейс халқи номидан мубораксод этиш шарафига муяссарман.

Ишончим комилки, Ўзбекистон Республикаси Сизнинг раҳбарлигингизда бундан буён ҳам жамиятни демократиялаш ва бозор иқтисодиётини мустаҳкамлаш йўлидан фаол ривожланиб бораверади. Шунингдек, Сиз Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ишига яна ҳам кўпроқ ҳисса қўшишингизга аминман.

1992 йилда икки томонлама дипломатия муносабатлари ўрнатилгандан кейин давлатларимиз ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий алоқалар ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик асосида уйғун ривожланиб бормоқдаки, бу ҳол қониқиш ҳиссини уйғотади. Жаноби Олийлари, янги XXI асрни қаршилай туриб, биз Сиз билан бирга давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ишига яна ҳам кўпроқ куч-ғайрат сарфлашимизга ишонаман.

Берилган имкониятдан фойдаланиб, Сизга чин қалбдан мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон Республикасига эса барча йўналишларда муттасил тараққиёт топиб боришини тилайман.

Ким Дэ ЖУНГ,
Корея Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз билан мубораксод этишга ва шу муносабат билан бутун Ўзбекистон халқи бахт-саодати йўлидаги машаққатли фаолиятингизга бундан буён ҳам муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Сайловдаги ғалабангиз танлаб олинган иқтисодий ва сиёсий ўзгартишлар йўлининг тўғрилигини ҳамда Ўзбекистон халқи умумэътироф этган демократия қадриятларига содиқлигини яна бир бор тасдиқлаб турибди.

Латвия Ўзбекистоннинг ички сиёсий, шунингдек ташқи сиёсий ривожланишини эътибор билан кузатиб бормоқда. Шуни мамнуният билан қайд этмоқчиманки, Ўзбекистон Ҳукуматнинг вазмин сиёсати ва Сизнинг шахсий ҳиссангиз туфайли барқарорликка эришишга, ўзининг халқаро иқтисодий ва сиёсий жараёнлардаги иштирокини фаоллаштиришга муваффақ бўлди.

Ишончим комилки, Ўзбекистон халқи эришилган ютуқлардан қониқиш ҳосил қила олади. Латвия Ўзбекистоннинг минтақада, шунингдек умуман халқаро майдонда ҳам барқарорлик ва хавфсизликка эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолайди.

Латвия Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатлар ҳар иккала давлат манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланиб бораверишига ишонаман.

Президент Жаноблари, пировардида Сизни яна бир бор мана шу юксак лавозимга сайланганлигингиз билан мубораксод этишга, шунингдек Сизга сиҳат-саломатлик ҳамда мамлакатни ва Ўзбекистон халқини равнақ топтириш манфаатлари йўлида бундан буёнги ишларингизга зафарлар тилашга ижозат бергайсиз.

Эҳтиром ила,

Вайра Вике-ФРЕЙБЕРГА,
Латвия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Азиз Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Сизнинг мамлакатда юксак обрў-эътиборингизни тасдиқлаган ишончли ғалабангизни эшитиб ғоят мамнун бўлдим...

Сизга чин қалбимдан мустаҳкам соғлиқ, узоқ-умр, барча эзгу ниятларингиз ва ташаббусларингизда каттадан-катта муваффақиятлар тилайман.

Кўп миллионли Ўзбекистон халқи Сизга юксак ишонч билдириб, демократия, тинчлик, тотувликка, Сизнинг доно раҳбарлигингиз остида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга ҳамда мамлакатингизнинг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашга бўлган содиқлигини намоён қилди.

Молдова билан Ўзбекистон ўртасида қарор топган дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари бундан буён ҳам халқларимиз бахт-саодати йўлида муттасил ривожланиб, чуқурлашиб бораверишига ишончим комил.

Азиз Ислом Абдуғаниевич, Сизга ва яқин кишиларингизга тинчлик, эзгулик ҳамда омонлик тилашга ижозат бергайсиз ва Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Петр ЛУЧИНСКИЙ,
Молдова Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қайтадан сайланганлигингиз муносабати билан Сизни чин дилдан мубораксод этаман.

Мўғулистон ва Ўзбекистон ўртасида давом этиб келаётган анъанавий дўстона алоқалар ва муносабатлар келажакда янада ривожланишига ишончим комилдир.

Президент Жаноби Олийлари, Сизга муваффақият ва дўст ўзбек халқига равнақ ва осойишталик тилайман.

Нацагийн БАГАБАНДИ,
Мўғулистон Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганлигингиз муносабати билан Сизни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва шахсан ўз номимдан мубораксод этишга ва бу масъулиятли ишда кўпдан-кўп муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон БМТга аъзо бўлиши биланоқ ўзини бу ташкилотнинг ғоят фаол иштирокчиси сифатида намоён қилди. Бундай икки томонлама ҳамкорлик кейинги йилларда янада жўшқин тус олиб, янги маъно касб этишига ишончимиз комил.

Сизга бўлган ғоят самимий эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Павел КРАЛ,
БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикаси Президенти олий давлат лавозимига қайта сайланганингиз билан москваликлар ва Москва ҳукумати номидан Сизни самимий мубораксод этаман.

Ўзбекистон сайловчилари Сизни яқдиллик билан қўллаб-қувватлаганликлари Сизга бўлган ишончдан ва фаолиятингизга юксак баҳо берилганлигидан далолатдир.

Москва билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик Сизнинг мададингизда янада ривож топишига ишонч билдираман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ ва кўп қиррали фаолиятингизда муваффақиятлар тилаб билдирган самимий истакларимизни қабул қилгайсиз.

Юрий ЛУЖКОВ,
Москва Мэри

(Давоми 2-бетда)

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ғазетаси

2000 йил 18 январь, сешанба • № 8 (25.558).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Фарғона вилоят Кенгаши сессияси

15 январь куни иккинчи чақириқ халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Унда республика вазирлик, идора ва ташкилотлари раҳбарлари, вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, вилоят бошқармалари бошлиқлари, туман ҳокимлари иштирок этди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари республикамизнинг ҳар бир вилоятида эришилаётган ютуқлар ҳам, йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам, энг аввало, шу вилоят раҳбарлари, маҳаллий кенгаш депутатларининг ташкилотчилиги, ишбилармонлиги, ташаббускорлиги, изланувчанлиги, юртпарварлиги, қатъиятлилиги ва мардлиги билан бевосита боғлиқлигини қайд этди. Кейинги таҳлиллар вилоятда ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш, самарадорлигини ошириш, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида сезиларли ўзгаришлар рўй бермаганини кўрсатмоқда.

Ислом Каримов таъкидлаганидек, сўнгги йилларда вилоятда саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш соҳаларида, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш борасида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Вилоят муттасил равишда пахта ва дон топшириш шартнома режаларини бажармай келаётгани, корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми камайиб кетгани, қурилиш якунланмаган иншоотлар сони ортаётгани, ишсизлар кўпаяётгани бунинг далилидир.

Йўлбошчимиз вилоят саноати ва қишлоқ хўжалигидаги бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири, аввало, мулкка муносабатнинг ўзгармаётганида, хусусан, буйруқбозлик тизими сақланиб қолганида, ер ўзининг ҳақиқий эгасини топмаётганида эканлигига эътиборни қаратди.

Сессияда сўзга чиққан Қува тумани «Обидов» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Оминахон Исроилова, Марғилон шаҳар «Ёшлик» савдо-ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Анвар Мирзаев, Қўқон шаҳар «Мастона» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти раиси Адҳам Алимов, Қиргули тумани ҳокими Виктор Белоногов, Олтиариқ тумани «Нуробод» жамоа хўжалиги бўлим бошлиғи Лолахон Муродова, Ўзбекистон Қаҳрамони, Тошлоқ тумани Х. Марозиқов номидаги жамоа хўжалиги бригада бошлиғи Комилжон Мамажонов, Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов ва бошқалар юртбошимиз маърузасида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш барча даражадаги раҳбарларнинг бурчи эканлигини таъкидладилар.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Н. Мўминов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Фарғона вилояти ҳокими вазифасидан озод этилди.

Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан депутатлар вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келган Алишер Отабоевни Фарғона вилояти ҳокими этиб тасдиқладилар.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг тавсиясига кўра қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари лавозимида ишлаб келган Ҳамид Йўлдошев вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари этиб тасдиқланди.

Беҳзод УСМОН,
Расулжон КАМОЛОВ,
ЎзА мухбирлари

Суратда: сессия пайти.
Муҳаммад АМИН ва Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

А.А.Отабоевни Фарғона вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Алишер Абдужалилович Отабоев Фарғона вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ушбу масала вилоят Кенгашининг тасдиғига қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 15 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Н.Ш.Мўминовни Фарғона вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Нўмонжон Шодиевич Мўминов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Фарғона вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 15 январь

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида

Марказий сайлов комиссияси иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси биринчи мажлисининг очилиши тўғрисида қарор қабул қилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи мажлиси 2000 йил 22 январь куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлиснинг мажлислар залида очилади.

Ушбу қарорга мувофиқ иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларини рўйхатга олиш ҳамда сиёсий партиялар фракцияларининг ва депутатлар блокларининг йиғилишларини ўтказиш 2000 йил 21 январь кунига белгиланди.

ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!

Ҳурматли депутатлар!

Энг аввало сизларни демократик тамойиллар асосида ўтган сайловларда Фарғона вилояти аҳли ишончини қозониб вилоят Кенгаши депутатлигига сайланганингиз билан чин юракдан табриклайман.

Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, халқ фаровонлиги йўлидаги ишларингизда омад тилайман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб мен сизларга олдин ҳам айтган бир ҳақиқатни эслатиб қўймоқчиман: **депутат зиммасига жуда катта вазифа ва масъулият юкланган.** У вилоятдаги ижтимоий муҳитга фаол таъсир кўрсатмоғи, вилоят раҳбарларининг, жумладан, ҳокимнинг ҳам фаолиятини назорат қилиши, ҳокимликнинг ишини холисона баҳолаб, камчилик ва нуқсонлар ҳақида рўйи-рост гапириши, буларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш масалаларида намуна бўлмоғи лозим.

Депутатни халқ сайлайди. Халқнинг, сайловчиларнинг ишончини оқлаш, улардан авваламбор ҳақиқий юртпарварликни, ҳалол, фидойи бўлишни, ҳузур-ҳаловатдан воз кечишни, одамларнинг оғирини енгил қилиш, аҳволидан хабардор бўлиш, тақдирига қуйинчаклик билан ёндошиш, лўнда қилиб айтганда, том маънода **халқ дарди билан яшашни талаб этади**.

Биз XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида **мамлакатимизни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқдик,** ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги устувор йўналишларни аниқ-равшан белгилаб олдик.

Бу устувор йўналишларнинг барчасини ўзига қамраб олган энг муҳим вазифа — мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ҳаётини, **давлат ва жамият қурилиши жараёнларини янада эркинлаштиришдан иборатдир.**

Бу — аслида давлат қурилишида бошқариш ишларини ва маълум даражада ваколатларни аста-секин марказдан пастдаги бошқариш бўғинларига бериш, шунинг ҳисобидан уларнинг фаоллигини ошириш, шу жумладан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ҳокимликлар, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, аввало, маҳалла тузилмалари, шунингдек, жамоат тузилмалари ваколатларини босқичма-босқич амалга ошириш ва уларга кўпроқ ишонч билдириш, деган маънони ифодалайди.

Албатта, марказий давлат тузилмалари, ҳукумат, тегишли вазирликлар тасарруфида ўзига хос муҳим вазифалар қолаверади. Шу жумладан, конституцион тузумни, мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини, унинг сарҳадларини ҳимоя қилиш, юрт хавфсизлигини сақлаш, ҳуқуқтартибот ва мудофаа қобилиятини, молия-банк, пул муомаласини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулк эгаларининг ҳуқуқларига, иқтисодий фаолият эркинлигига кафолат бериш, самарали ташқи сиёсат олиб бориш каби вазифалар ва бир қатор стратегик аҳамиятга молик масалалар қолиши табиийдир.

Лекин бир нарсага аминман: маҳалла жамоаларига, унинг муаммо ва ташвишларига яқин бўлган идора ва ташкилотларга кўпроқ суяниш ва таяниш керак. **Бу стратегик сиёсатимизнинг қатъий йўналиши бўлиши муқаррар.**

Шуни ҳам холисона тан олишимиз керакки, бугунги кунда маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига ва ҳокимликларга ўз ҳудудларини иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш соҳасидаги амалий фаолият олиб бориш учун берилган зарур ҳуқуқлардан самарали фойдаланиш ҳақида кўп гапиришимиз мумкин. Ҳар қандай эркинлик замирида катта масъулият ҳам борлигини сизлар яхши тушунасизлар деб ўйлайман.

Демоқчиманки, республикамизнинг ҳар бир вилоятида эришилаётган ютуқлар ҳам, йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам энг аввало шу вилоят раҳбарлари, маҳаллий Кенгаш депутатларининг ишбилармонлиги, ташаббускорлиги, изланувчанлиги, юртпарварлиги, керак бўлса, **қатъиятлилиги ва мардлиги билан бевосита боғлиқдир.**

Муҳтарам дўстлар!

Ёдингизда бўлса, бундан уч йил муқаддам — 1997 йил 14 февралда бўлиб ўтган вилоят Кенгашининг сессиясида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга халақит бераётган сабаблар ҳақида очиқ гаплашиб олган эдик.

Шунингдек, бир ой муқаддам шу ерда ўтган сайловолди учрашувида ҳам Фарғона аҳлининг амалга ошираётган ижобий ишлари, мамлакат тараққиётига қўшган муносиб ҳиссасини таъкидлаш билан бирга, ўз вақтида ҳал этилмаган ва ҳаммамизни ташвишлантираётган бир қатор муаммолар мавжудлиги, уларни батафсил ўрганиб, таҳлил қилиш ва ечимини топиш зарурлиги хусусида тўхталиб ўтган эдим.

Кейинги таҳлиллар вилоятда ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш, самарадорлигини ошириш, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида **сезиларли ўзгаришлар рўй бермаганини кўрсатмоқда.**

Ўйлайманки, бугун бундай вазиятдан чиқишнинг, вилоят иқтисодий-ижтимоий ривожланишини таъминлашнинг йўлларини қидириш, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, бир сўз билан айтганда, ишимизнинг самарасини ошириш — барчамизнинг, шу юртда яшаётган инсонларнинг, аввало, халқимиз ишонган депутатларнинг бурчидир.

Имкониятлар ҳақида гапирар эканмиз, биринчи навбатда, қуйидаги масалаларга алоҳида тўхталиб ўтишимиз керак деб ўйлайман.

Аввало, аҳолиси кўп ва тиғиз, ер майдони чекланган Фарғона вилояти учун ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг асосий йўлларидан бири, бу — **саноатни бутун чоралар билан ривожлантиришдир.**

Афсуски, ҳозирги пайтда мавжуд саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Оқибатда ўтган йили 12 та йирик саноат корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 582 миллион сўмга, 11 та саноат корхонасида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 286 миллион сўмга пасайиб кетди.

Бу ҳолни Қувасой шаҳридаги «Кварц» ҳиссадорлик жамияти, Фарғона фуран бирикмалари ва суньий тола заводлари, Учқўприк ва Бувайда туманларидаги тикув-трикотаж, йигирув-тўқув ҳиссадорлик жамиятлари ва «Ўзсаламан» қўшма корхонаси мисолида ҳам кўрамиз.

(Давоми 2-бетда).

Марказий Кенгашда қабул

Куни кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Югославиянинг Ўзбекистондаги ишлари Муваккат вакили Драгиша Савич қабул қилинди. Бўлиб ўтган суҳбатда Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов партиянинг фаолияти, хусусан мамлакатимизда ўтказилган ялпи сайловлардаги унинг иштироки, тўғрисида сўзлаб берди. Бизнинг партиямиз, деди у, пировардида, сайловларда ўзининг фаол иштироки билан мамлакатда табора чуқурлашаётган демократиялаштириш жараёнларини амалда қўллаб-қувватлади ва бундан кейин ҳам шу йўлдан боришни давом эттиради.

Меҳмон Югославиядаги ҳозирги аҳвол ва давлатларимиз ўртасидаги алоқалар хусусида гапириб, дўст мамлакат вакиллари мустақил Ўзбекистондаги ўзгаришларни, жумладан, республикада бўлиб ўтган эркин-эмин, демократик, муқобиллик асосидаги сайловларни, катта қизиқиш билан кузатганликларини билдирди. Шу ўринда, у ўзининг айрим хорижий манбаларнинг, Ўзбекистондаги сайловлар ҳақидаги, танқидий фикрларига қўшилмаслигини таъкидлади. Жаноб Д.Савич, шунингдек, Сербия Социалистик партияси раҳбариятининг Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши номига йўллаган мактубини топширди. А. Жалолов Ўзбекистон ва Югославия халқлари ўртасидаги анъанавий алоқаларнинг кенгайишига ишонч билдирди.

Самимият руҳида ўтган суҳбатда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари қатнашдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

«Ўзбекистон овози»га обуна давом этмоқда

ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Нефть-ёнилғи материаллари, маъданли ўғит, кимёвий тола, қурилиш ашёлари, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўтган йилларга нисбатан анча камайди. Ҳатто, республикада тилга тушган «Ўзсаламан» қўшма корхонасида пойафзал ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 17 фоиз пасайди.

5 та саноат корхонаси ўтган йилни жами 653 миллион сўм иқтисодий зарар билан якунлади. 1 миллиард сўмдан ортиқ микдордаги тайёр маҳсулот омборларни банд қилиб ётганининг ўзи ҳам бир қатор саноат корхоналари раҳбарлари бозор талабларини ҳисобга олмасдан, ҳамон эскича услубда ишлаб келаётганидан далолат беради.

Энг ачинарлиси шундаки, бир қатор саноат корхоналари ва ҳиссадорлик жамиятларида мулк шакли ўзгарди, аммо раҳбарларнинг фикрлаш тарзи ўзгармасдан қолди. Ахир акцияларни сотиш ҳисобига корхоналарга янги технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга эътиборсизлик билан қаралаётгани, вилоят бўйича ҳозиргача 400 миллион сўмлик акциялар сотилмай ётгани учун ким жавоб беради?

Вилоятда чет эл сармояларини жалб қилиш, қўшма корхоналар ташкил этиш соҳасида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. **Ҳозиргача 9 та туманда бирорта қўшма корхона очиш режалаштирилмагани ҳам буни кўрсатиб турибди.**

Рўйхатдан ўтган 59 та қўшма корхонанинг 38 тасигина фаолият кўрсатяпти холос.

Ишбилармон ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга қулай шарт-шароит яратиб бериш, имтиёзли кредитлар билан таъминлашга ҳам етарли эътибор берилмаётир. Натижада вилоят бўйича рўйхатдан ўтган 14 минг 317 та кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг 6,5 мингтаси турли сабаблар билан тугатилган, 1 минг 644 таси вақтинча фаолият кўрсатмаяпти.

Ишлаб турган бундай корхоналарнинг кўпчилиги эса ишлаб чиқариш билан эмас, балки кўпроқ савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланмоқда.

Қадрли биродарлар!

Биз аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида кўп гапирамиз. Лекин вилоят бўйича янги иш жойларини ташкил этиш ҳамон энг асосий ва долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Бу масалани ҳал этишга мутасадди ташкилотлар жиддий эътибор бераётгани йўқ. Вилоятда 1999 йили бор-йўғи 31 минг иш жойи ташкил этилди холос. Ҳолбуки, бу ерда ишсизлар сони амалда бундан бир неча баробар кўп.

Яна бир ачинарли ҳол. 1998 йилга нисбатан умумтаълим мактаблари, тиббиёт муассасалари қурилиши икки баробар, қишлоқларга газ тармоқларини ўтказиш эса 15 фоиз камайган. 1996-2000 йилларга мўлжалланган қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш дастури бўйича белгиланган Охунбобоев, Ёзёвон, Сўх туманларида газ тармоқларини тортиш режаси зўрға 50-80 фоиз атрофида бажарилди.

Вилоятда кўп йиллардан бери қурилиши тугалланмаган 127 та объект мавжуд. Шундан 26 таси соғлиқни сақлаш, 29 таси эса халқ таълими муассасалари эканлиги ачинарли ҳол.

Ҳурматли депутатлар!

Қишлоқ хўжалигининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни қанчалик юксаклиги тўғрисида гапириб ўтириш ортиқча деб ўйлайман. Бу соҳа вилоят иқтисодиётининг ҳам асосий тармоғи ҳисобланади.

Лекин қишлоқ жойларда ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида қабул қилинган ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларнинг етарли даражада ҳаётга татбиқ этилмаётгани, **мулкка эгалик масалалари ўз ечимини топмаётгани,** деҳқонлар меҳнатини хўжалик фаолиятининг пировард натижалари билан боғлайдиган иқтисодий механизм амалда қўлланилмаётгани, айниқса **моддий манфаатдорлик тамойиллари бузилаётгани** қишлоқ хўжалиги ривожига жиддий тўсқинлик қилмоқда.

Афсуски, вилоят ҳокимлиги, бу соҳага мутасадди раҳбарлар замон талабини ҳис этмаяптилар. Буни қуйидаги ҳолатлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Сўнгги тўрт йилда энг асосий тармоқ — **пахтачиликда шартнома режаларини бажармаслик вилоятда одат тусига кирди.** 1996 йили бу кўрсаткич 80,3 фоизни, 1997 йили 98 фоизни, 1998 йили 77,5 фоизни, 1999 йили 85,7 фоизни ташкил этди. Вилоят бўйича **ўртача ҳосилдорлик беш йил давомида 4 центнерга пасайди.**

Ўтган хўжалик йилида пахтачилик билан шуғулланадиган 14 та тумандан атиги 2 таси — Олтиариқ ва Фарғона туманларигина шартнома режасини бажарди, холос.

Бир хил шароит ва имкониятга эга бўлган қатор туманларда **ҳосилдорликнинг пасайиши** нохуш анъанага айланиб бораётгани жуда ачинарли ҳолдир. 1997 йили ҳар гектар майдондан 28-31 центнердан ҳосил олган Бувайда ва Данғара туманларида ўтган йили ҳосилдорлик 22-23 центнерга тушиб қолди.

Вилоятда сўнгги йилларда **дон етиштириш ҳам сезиларли даражада камайиб кетган.** Дон етиштириш режаси 1996 йили 89, 1997 йили 91,7, 1998 йили 83,2, 1999 йили эса 75,8 фоиз бажарилди, холос. Беш йил давомида суғориладиган майдонлардан олинаётган дон ҳосилдорлиги гектарига 33-37 центнердан ошмаяпти. Ёзёвон ва Риштон туманларида эса бу кўрсаткич атиги 25-27 центнерни ташкил этмоқда.

Бунинг асосий сабабларини агротехника тадбирларининг ўз вақтида ўтказилмаслиги, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланмасдан, шўри ювилмасдан, уларни экишга тайёрламасдан уруғ сепилаётгани, техника воситаларининг ўрим-йиғим мавсумига ўз вақтида сифатли ҳозирлаб қўйилмаганидан излаш керак.

Бу ҳақда доимо куйиниб гапирамиз. Лекин аҳвол ўзгармаяпти. Бир қатор туманларда ўтган йилларнинг хаталарини такрорлаш давом этмоқда. Бағдод, Сўх, Бувайда, Данғара, Тошлоқ, Ўзбекистон туманларида кузги дон экиш ишлари сабабсиз равишда чўзиб юборилганига нима деса бўлади?

Катта имкониятлар борлигига қарамасдан вилоятда **картошка, сабзавот етиштиришда ҳам сезиларли ўзгариш бўлмаяпти,** мева етиштириш 1995 йилга нисбатан 2 ярим баробар, узум етиштириш эса 6,5 минг тоннага камайиб кетган.

Пиллачиликни ривожлантиришга ҳам етарли аҳамият берилмаяпти. Оқибатда ўтган йили 1995 йилга нисбатан 1600 тонна кам «кумуш тола» тайёрланди. Шу муносабат билан сизларнинг эътиборингизни бир масалага қаратмоқчиман.

Вилоят қишлоқ хўжалигидаги бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири, аввало, **қишлоқ жойларида мулкка муносабатнинг ўзгармаётганида, хусусан, ер ўзининг ҳақиқий эгасини топмаётганида деб биламан.** Чунки ер ҳақиқий деҳқоннинг қўлида бўлса, ундан кутилган даражада ҳосил олиш мумкин.

Ҳолбуки, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар ҳақида гап кетганда, **расмий ҳисоботларда** Фарғона вилоятида 165 та жамоа ва ширкат хўжалиги, 2 минг 113 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётгани, мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топаётгани қайд этилади.

Агар чиндан ҳам шундай бўлса, унумдор ер ҳақиқий деҳқон қўлига тушган бўлса, унинг самараси қани? Нега ҳосилдорлик йил сайин камаймоқда? Ерга ишонган, ерга суянган деҳқоннинг нега косаси оқармаяпти?

Бунинг сабаби шундаки, вилоятда аввало қишлоқ хўжалигига оид қонунлар лапартиш тарзда турмушга татбиқ этилмоқда. **Қонун талабларининг бажарилиши ҳеч кимни қизиқтираётгани йўқ.** Жамоа ёки ширкат хўжалигида ишлар жамоа хоҳиш-ихтиёри билан эмас, балки **юқоридан тайинланган раҳбарнинг якка ҳокимлигида олиб борилмоқда.**

Оқибатда деҳқон ўз тажрибасига суяниб, иқлим, ер шароитига қараб эмас, балки буйруққа биноан ишлашга мажбур бўлмоқда. Иш илмий асосда ташкил этилмаганлиги, **уруғчиликка эътибор сустлиги сабабли унумдор ерлардан ҳам паст ҳосил олинмоқда.**

Яна бир мисолга эътибор беринг. Вилоят бўйича 17 та хўжалик санацияга тушган эди. Давлат томонидан молиявий ёрдам кўрсатилганига қарамасдан, бу хўжаликлардан 14 таси пахта, 8 таси дон етиштириш шартнома режаларини бажара олмади. Чунки бу борада ҳам мутасадди раҳбарларда янгиликка интилиш, мавжуд муаммоларнинг ечимини излаш, ташаббускорлик етишмаяпти.

Вилоятдаги 76 та жамоа хўжалиги ширкат уюшмаларига айлантирилган бўлсада, улардан 66 тасига ҳалигача мулкий пай гувоҳномалари тарқатилмаган. 53 та фермер хўжалиги эса ҳар хил сабабларга кўра ўз фаолиятини тўхтатган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бундай камчиликларнинг сабаби авваламбор **раҳбар кадрлар масаласига бориб тақалади**. Сўнгги уч йил мобайнида вилоятдаги 106 жамоа ва ширкат хўжалиги раҳбари алмаштирилганлиги, бу борада жиддий камчиликлар мавжудлиги ҳали-ҳамон маъмурий буйруқбозлик усуллари бартараф этилмаганлигидан далолат беради.

Қадрли депутатлар!

Қишлоқ хўжалиги соҳасининг йил сайин орқага кетаётгани албатта аҳолининг турмуш даражасига ҳам салбий таъсирини ўтказади. **Ўз меҳнатининг самарасини кўрмаган, вақтида маош ололмаган, рўзғорини тебратишга қийналиб қолган** фуқаронинг кўнглида албатта раҳбарлардан норозилик кайфияти туғилади. Буни яширишнинг ҳожати йўқ. Шунинг учун ҳам барча даражадаги раҳбарларнинг энг асосий бурчи мана шундай ҳолатларнинг олдини олиш, ҳар бир фуқаронинг меҳнат қилиши ва унинг самарасини кўриши учун шароит яратиб беришдан иборат бўлиши керак.

Бунинг учун эса вилоятда етарли имкониятлар бор.

Афсуски, **юқорида кўтарилган масалалар биринчи марта тилга олинаётгани йўқ.** Вилоят Кенгашининг 1997 йилги сессиясида ҳам бу ҳақда сўз юритилган, бу янги сайланган ҳокимлар олдига вазифа қилиб қўйилган эди.

Бироқ ҳалигача кўп соҳаларда муаммо муаммолигича, вазифа вазифалигича қолиб кетмоқда.

Ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, мен Президент бўлиб, менга ишонч билдирган халқнинг ҳаёти учун жавобгар шахс бўлиб, бундай ҳолга тоқат қилишим мумкинми? Албатта йўқ.

Ҳурматли депутатлар!

Сўнгги йилларда турли сабаблар билан вилоятингизда бир неча марта бўлишимга тўғри келди. Ҳар сафар мард, танти, меҳнатсевар ва саховатли фарғоналиклар билан учрашганимдан, дийдорлашганимдан беҳад хурсанд бўламан.

Аммо шу ўринда аччиқ бўлса ҳам бир ҳақиқатни айтиб ўтмоқчиман. Менинг назаримда йил сайин **Фарғонадан файз-барака кўтарилаётгандек, вилоят аввалги мавқеини, илгариги жозибасини, тароватини йўқотаётгандек туюлади ва бу кўнглимни ғаш қилади.**

Бу ҳолатнинг сабаби нимада экан, деб ўйлайман, қийналаман. Шунда, истайманми-йўқми, **гап раҳбарларга, аввало, вилоятнинг биринчи раҳбарига, унинг иш услубига бориб тақалади.**

Бу фикрнинг исботини республика Олий Мажлисига ўтказилган сайловларда 3 нафар ҳокимнинг етарли овоз ололмасдан, депутатликка сайланмай қолганлигида ҳам яққол кўриш мумкин. Шунинг ўзи ҳам айрим раҳбарлар аллақачон халқнинг эътиборидан қолганини, ишончини йўқотганини очиқ-ойдин кўрсатмайдими?

Халқимизда **«Ўтган кунингни унутма, эски чориғингни қуритма»** деган ибратли бир мақол бор. Бу — аслида ким эканлигингни, мансаб курсисига ўтирмасдан олдин ким бўлганлигингни, лавозимдан тушгач ким бўлажагингни унутма, камтар бўл, қадамингни билиб бос, халқнинг назаридан қолма, деганидир.

Бу ҳамманинг, айниқса, каттакичик раҳбарларнинг доим ёдида туриши керак.

Вилоятдаги биринчи раҳбарнинг мавқеи, салоҳияти, энг аввало, иқтисодий ислоҳотларни қай даражада амалга ошираётгани, ундан одамларнинг қай даражада рози бўлаётгани билан ўлчанади.

Бунёдкорлик, тараққиёт бор жойда, халқнинг руҳи кўтарилади, келажакка умиди кучаяди.

Иқтисодиёт орқага кетаётган жойдан эса, ободончиликни ҳам, кенг кўламдаги бунёдкорликни ҳам кутиш бефойда. Бундай жойда халқ ҳам раҳбарлардан рози бўлмайди.

Кейинги йилларда Фарғона вилояти нафақат саноат, нафақат қишлоқ хўжалиги соҳаси, балки қурилиш ва ободонлаштириш ишларида ҳам бошқалардан орқада қолмоқда.

Наҳотки, фарғоналик ҳокимлар ва бошқа раҳбарлар республиканинг бошқа ҳудудларида рўй бераётган ўзгаришларни кўрмаётган, қалбларида ҳавас уйғонмаётган бўлса?!

Узоққа бормай, кўнглингизга келмасин-у, шундоқ сизларга қўшни бўлган Андижон вилоятини олайлик. Иқлими, ер-суви, одамларнинг табиати, меҳнатсеварлиги бир хил, аммо ўсиш, ўзгаришда катта фарқ бор.

Нега бундай? Нима, Фарғона вилояти раҳбарларининг ҳаваси, ғурури, ориятиўқми?

Ҳавас бўлиши мумкин, лекин лаёқат бўлмаса, халқнинг бошини қовуштиришга, ғайратини кўзғашга уқув, бошқача қилиб айтганда, ташкилотчилик бўлмаса — фойдаси йўқ экан.

Эсингизда бўлса, биз бундан уч йил илгари вилоятга янги ҳокимни тайинлаганимизда, зиммасига қандай масъулиятли вазифа юкланаётганлигини очиқ айтган эдик. Унга катта ишонч билдирган эдик. Ўтган давр мобайнида унга камчиликларни тузатиш бўйича таклифлар, маслаҳатлар бердик. Афсуски, у ўз вақтида айтилган танқид ва таклифлардан тўғри хулоса чиқара олмади. Йирик муаммоларни ҳал этишда лоқайдликка йўл қўйди.

Шу сабабларга кўра, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг биринчи сессияси кун тартиби муҳокамасига ташкилий масала қўйилган экан, вилоят ҳокими Неъмон Шодиевич Мўминовни вазифасидан озод этишни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Ўйлайманки, вилоят тараққиёти, келажаги, халқнинг манфаати шуни тақозо этади.

Азиз дўстлар!

Фарғона халқига меҳр-муҳаббатим баландлигини ҳаммангиз яхши биласиз. Мен ўзим севган, қадрлаган элнинг тинч ва осойишта, фаровон ва бахтли ҳаёт кечиришини, ўз меҳнатларининг роҳатини, ўстираётган фарзандларининг орзу-ҳавасини кўришини чин юракдан истайман.

Шунинг учун ҳам турмушдаги қийинчиликларни тезроқ бартараф этсак, мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириб, халқимизнинг фаровонлигига эришсак, ҳар бир оила бойбадавлат турмуш кечирса, деб ният қиламан.

Бу мақсадга эришиш учун эса ишимиздаги камчиликларни тезроқ бартараф этишимиз, бир тан, бир жон бўлиб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилишимиз, белгилаган режаларимизни бажаришимиз, кўзлаган марраларимизга тезроқ етишимиз лозим.

Мен азиз фарғоналиклар менинг қуйиниб айтган сўзларимдан, танқидий мулоҳазаларимдан ўзларига тегишли хулосалар чиқарадилар ва барча соҳаларда ўзгариш ясайдилар, деб қатъий ишонаман.

Шу мақсад йўлида барчангизга куч-қувват, ғайрат-шижоат ва омад тилайман!

Самимий қутловлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Ўзбекистон Президенти сайловида ишончли ғалабага эришганлигингиз билан Сизни сидқидилдан муборакбод этаман.

Ўзбекистон Республикасининг кўп миллатли халқи ғоят катта кўпчилик овоз билан Сизга яна ишонч билдирганлиги ўтган йиллар мобайнида Сиз бу халқни бирлаштириш ишига катта ҳисса қўшганлигингиздан далолат бериб турибди.

1996 йилнинг ёзида Сиз раҳбарлик қилаётган республикада бўлганим ёдимда. Сиз Россия билан яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга, миллий анъаналар ва маданиятларни сақлаб қолишга, бир-бирини бойитувчи ҳамкорликка катта эътибор бериб келаётганлигингиз қувонарли ҳолдир.

Ўзбекистон Республикаси халқининг бахт-саодати йўлида бундан буёнги меҳнатларингизда сизларнинг ҳаммангизга Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин.

Самимий эҳтиром ила,

Патриарх АЛЕКСИЙ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида эришган ёрқин ғалабангиз муносабати билан ғоят самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Сайлов якунлари Сиз Ўзбекистон аҳолиси ўртасида ва ундан ташқарида юксак обрў-эътиборга эга эканлигингиздан ҳамда фаолиятингизга юқори баҳо берилганлигидан далолатдир. Ишончим комилки, Ўзбекистон халқи иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятига ва республиканинг гуллаб-яшнашига бўлган орзу-умидларини Сизнинг номингиз билан боғлаб тўғри йўлни танлади. Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга юксак лавозимда чин қалбдан муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва омонлик тилайман.

Татаристон Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб, ривожланишига астойдил ишонаман.

Эҳтиром ила,

М.ШАЙМИЕВ,
Татаристон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганлигингиз муносабати билан ғоят самимий, қизғин қутловларимни қабул қилгайсиз. Бугунги кунда собиқ иттифоқ ҳудудида ғоят катта ҳаётий тажриба орттириб, доно, билимдон, кўп қийинчиликларни бошидан кечирган ва уларни муваффақиятли енгиб ўта биладиган Сиздек обрў-эътиборли раҳбарни топиш қийин.

Сиз ўз халқингизнинг чинакам отаси бўлиб қолдингиз, жамиятни жипслаштириб, миллий ғояни шакллантира олдингизки, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий тараққиёти мана шу ғояга асосланмоқда.

Азиз Ислом Абдуғаниевич, айни шу боисдан ўзбек халқи Сизни давлат бошлиғи сифатида кўриш муддаосида шу қадар яқдил бўлди. Биз, бошқирдистонликлар Сизнинг муваффақиятингиздан самимий қувонмоқдамиз ва ўзаро муносабатларимиз бундан буён ҳам халқларимиз бахт-саодати йўлида яна ҳам жўшқинроқ ривожланиб боришига ишончимиз комил. Ислом Абдуғаниевич, тинчлик ва бунёдкорлик, қардош Ўзбекистон халқини равнақ топтириш йўлидаги самарали, қизғин фаолиятингизда мустаҳкам соғлиқ, битмас-туганмас ғайрат-шижоат, доимий бардамлик яна кўп йиллар мобайнида Сизнинг ишончли мададкорингиз бўлиб қолишини чин қалбдан тилайман.

Эҳтиром ила,

М.РАҲИМОВ,
Бошқирдистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сайловдаги ғалабангиз муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Сизнинг ғоят катта иш тажрибангиз ва муносиб обрў-эътиборингиз Ўзбекистон аҳолисининг турмушини яхшилашга ва фаровонлигини оширишга кўмаклашади, деб астойдил ишонаман.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга чин дилдан сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Республика Президенти юксак лавозимидаги фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Самимий эҳтиром ила,

О.ТУЛЕЕВ,
Россия Федерациясининг Кемерово вилояти губернатори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Г.Плеханов номли Россия Иқтисодиёт Академиясининг Фахрий доктори Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Сизнинг сайловдаги ғалабангизни ва Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлингизни Г.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Академиясининг жамоаси эшитиб ғоят мамнун бўлди.

Академиянинг бутун жамоаси ва шахсан ўз номимдан самимий қутловларни ҳамда машаққатли, аммо ниҳоятда олийжаноб йўлингизда омадлар ва муваффақиятлар тилаб билдирган истакларимизни қабул қилгайсиз.

Сизнинг фаолиятингиз Давлатнинг ҳаётини, унинг халқи турмушини белгилаб берадиган барча соҳаларда — иқтисодиёт, таълим, маданият, ижтимоий соҳаларда ислоҳотларни амалда ўтказиб келаётган Президент қандай бўлиши кераклигининг муносиб тимсолидир.

Мамлакатингизнинг тарихига, уй-жой қурилишига, янги типдаги давлатнинг инфратузилмасини вужудга келтиришга, ижтимоий сиёсатга муносабатингиз билан Сиз Ўзбекистон Республикасидагина эмас, балки унинг ташқарисида ҳам муносиб обрў қозондингиз. Сизнинг Республикани иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан қайта тиклаш борасидаги ташаббусларингиз, таълим соҳасидаги жаҳоншумул ислоҳотларингиз бутун дунёда машҳур ва эъзозлидир.

Бизнинг қутловларимизни ва бутун ўзбек халқига равнақ тилаб билдирган истакларимизни қабул қилгайсиз. Сизга ва оилангизга мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.

Самимий эҳтиром ила,

В.ВИДЯПИН,
Г.Плеханов номли Россия Иқтисодиёт Академиясининг Президенти, академик

Ўзбекистон Қаҳрамонлари



Заҳмат чексан чопонлар

(Очерк)

Президентнинг 1999 йил 3 август Фармонига биноан Чортоқ туманидаги «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги» ширкат хўжалиги бригадири Абдували Абдураҳимовга Ўзбекистон Қаҳрамони юксак унвони берилди.

«Короскон» қадимий қишлоқ. Аждодлари руҳини шод қилиб юрган бу қишлоқ одамлари ҳалол, меҳнаткаш, қалби очиқ. Коросконликларнинг яна бир хислати — ҳамжиҳатлиги ва аҳиллиги. Шу қишлоқ одамига хос нимаики фазилат бўлса, барчаси, Абдували акада ҳам зоҳир. Баъзилар, жумладан, қишлоқ фаоли Ҳабибулло Ғайбуллаев, «Абдували ака коросконликнинг ҳақиқий тимсоли», деб қўяди. Эҳтимол шундайдир. Бизнингча, у кишида бошқаларга ўхшамаган хислатлар ҳам бор. Биринчидан, ўз ишига ориятини тикиб қўйган одам, иккинчидан, гап келса отасини ҳам аямайди, учинчидан, ўзи айтмоқчи, «оми», лекин мулоҳаза қилади, халқона содда, бироқ теран мушоҳада юритади.

АБДУРАҲИМ бувани, худо раҳмат қилсин, содда, камгап, камсуқум, бир умр деҳқончилик орқасида кун кўрган киши эдилар, деб эслашади. Оиланинг якка-ягона оқуқораси бўлган Абдували аслида эркатой, «чўпни бир жойдан иккинчи жойга олмайдиган» бўлиб ўсиши мумкин эди. Бироқ...

— 40-йиллар эди. Дадам эргаштириб далага обчиқардилар. Очлик, қаҳатчилик. Қорни нонга тўймай силласи қуриганларни кўрганман. Эҳ, ука, бизнинг болалигимиз эркачиликни кўтармаган. Ҳозир эса... болалар эркатой бўп кетди, деб нолишяпти, аслида ҳамма гап отаонада. Сиз болангизни талабчанлик билан тарбияланг-чи, қилармикин эркаликни. Ҳамма гап катталарда...

Дарҳақиқат, Абдураҳим бува, Абдувалини якка ўғил, деб ўтирмади. Уни меҳнатга эгди. Отасига эргашиб далага — деҳқончиликка ишқи тушган Абдували ака мана ярим асрки, овунчоғи меҳнат, экин-тикин, пахтани фарзандидай кўради.

Чайир, бўй-басти келишган, далатоб йигитча раҳбарлар назарига тез тушди. 1958 йили Дамкўл массивига звено бошлиғи этиб юборишди. Қарашса, Абдували ишни бемалол тортиб кетяпти. 60-йилларда уни яна қишлоққа чақиришди, бригада етакчилигига тайинлашди. Шундан бери 42 йилдирки, бригадани бошқаради. Бригадирлик ҳам улоқчининг ишидай гап. Элнинг назарида, баҳорда от чоптириб кўпкарига қўшиласан, қани кузда улоқни ўнгариб келма-чи?! Уч ой қиш қишлоқда гапнинг тагида қоласан. Раҳбарлар бир-икки нуқиб қўйишади, ўтиб кетар. Қишлоқ жойида эса ҳамма сен ҳақингда гапираётгандай, тўй-ҳашамда сенга ғалати қараш қилаётгандай. Абдували акага ўхшаб беш-тўртта ҳазилкаш биродаринг бўлса, тамом, пачаванг чиқади. Даврада мутойиба сендан бошланиб, сенда тугайди.

— Шунисидан асрасин, — деб қўяди Абдували ака. — Ҳали 42 йилдан бери кўпкаридан улоқсиз чиқмадим.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ Абдували ака учун қадр-қиммати жуда баланд. Кўпни кўрган, бошидан кўп иссиқ-совуқ ўтган эмасми, дилдан суҳбат қилади бу йиллар ҳақида.

— 34 йил совет даврида бригадирлик қилдим. У вақтларда чидаб бўлмасди. Қачон экиш — график, қачон чопиш — график, қачон, қанча териш — график. Қани бажармай кўрчи, графикни, бошингда ёнғоқ чақилади. Шу графиклардан қочиб 26 йил аввал Ойқирон, кейин Шўрбулоқ адирларида янги ер очдим...

80-йилларнинг бошлари эди. Чортоқ туман газетаси муҳаррири Маҳмуджон ака Маъмуров билан чўлқуварни йўқладик. Бир ёғи ҳамқишлоқ, бир ёғи эски ҳазилкаш бўлган Абдували ака салом-аликдан кейиноқ аскияни бошлади:

— Ия, домла, бу жойларни қандай топиб келдингиз?

Домла ҳам аяб ўтирмадилар.

— Совхозга чиқувдик, кунчиқардан тер хиди аралаш шабада эсиб қолди-ку. Ҳойнаҳой, Абдували шу ёқда, деб келавердик...

Маҳмуджон ака саратонда ҳам ечилмайдиган, терчиб, сўнгра қуёш тиғида рангидан адашган алак тўнга ишора қиларди.

Дарҳақиқат, Абдували ака ҳар йилнинг баҳорида мавсумий қилиб, чопон тиктиради. «Иссиқдан ҳам асрайди, совуқдан ҳам» деб қўяди қизиқувчиларга. Олдинги йиллари кийилган эски чопонларини ҳам йиғдириб қўйган. Йигирматача бор. Бола-чақага ҳам тегдирмайди. Булар «орденларим» дейди ҳазиллашиб. Ўша йиллари «Абдували акага от ҳам ярамайди» деган гап чиққанди. Бунга сабаб, Шўрбулоқ адирлари анчайин нотекис, бир сиртдан 5 гектар ер ўзлашган бўлса, икки сирт оша сал текисроқ бошқа қияликда ўн гектар пахта бўларди. Ҳар куни эрталаб от миниб, экин-тикин ҳолатини кузатгани чиққан Абдували ака тушга борганда жониворга дам бериб, қолганини пиёда айланарди.

Буларни эслаб ўтириб, баъзан ўзига наъша қилиб қолади шекилли, ёрилади:

— Қаранг, меҳнатга яраша эътибор йўқ-да. Йўқ, нолимайман, тирикчилигим ўтди, бола-чақа катта қилдим. Ҳар ҳолда адолат ҳам бўлиши керакми? Катталаримиз у мукофотга, бу орденга тавсия қилиб юбордим, дейишарди тез-тез ўша йиллари. Кейин жим кетишарди. Учрашганда эса, «Сеткага тушмадингиз, наилож», деб қутилишарди. Тавба дердим, у қанақа сеткаки, шу гавдам билан тушиб қолаверсам, — дердим хазилга буриб.

ДЕҲҚОН мустақилликни тез англади, юрагидан туйди, ҳис қилди. Чунки унда солиштириш имкони бор эди. Шўро даврига таққослаб туриб, инсонга, меҳнаткашга берилаётган эътибордан кўнгли ўсмоқда, кўзлари очилмоқда.

— Наинки кўксига шамол теккан ўзбек , балки ҳаёт, ер, экин-тикин ҳам мустақилликни хоҳлаб қолган экан-ов. Илгаридай чоп-чоп йўқ. Тонналаб кимёвий дорилар солиш йўқ. Ҳашарчи жалб қил, ўқувчини мактабидан ажратиб далага обчиқ йўқ. Бўларкан-ку! Мустақиллик йиллари давомида пахтадан қийналмаяпмиз. Аксинча, ҳар йили ҳосил мўл. Ўтган йилнинг ўзида 44 гектар майдондан 62 центнердан ғалла етиштирдик. Ишқилиб ҳалол меҳнат қилган юртимизда кам бўлмайдиган замонлар келди-да, илоё кўз тегмасин.

АБДУВАЛИ АКА Халқ демократик партиясининг фаол аъзоси ҳам. Партия ташкилоти топшириқларига эътибор билан қарайди. Йиғилишлар у кишининг мулоҳазасисиз, таклифларисиз ўтмайди. Бўладиган гапни дангал айтади, оқни — оқ, қорани — қора. Керак бўлса, партия котибини ҳам аяб ўтирмайди. «Оғайни, сиз бизни етакланг, камчилигимизни шартта юзимизга айтинг» дейди, тап тортмай.

60-йилларда пойтахтдаги тиббиёт билимгоҳларини тугатган талабаларни қишлоқ жойларига муддатли ишга юбориш одат эди. Тошкентлик Турсунхон опа шу тариқа «Короскон»га келиб қолади. Тақдир уни бу ерда Абдували ака билан учраштирди. Оила қуришди, 6 нафар ўғил-қиз ўстиришди. Деярли ҳаммалари олий маълумот олишди. Меҳнати шу қишлоқ аҳлига сингиб, обрў-эътибор топган Турсунхон опа бугун тақдиридан мингдан-минг рози.

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдували Абдураҳимов ана шунақа одам. Икки гапнинг бирида истиқлолни улуғлайди, тўлиб-тошиб таърифини келтиради:

— Юртбошимиз Ислом акага раҳмат. У киши туфайли қадр-қимматимиз ошяпти. Шаҳар-қишлоқларимиз обод бўлиб бораётганичи?! Аввало Оллоҳнинг марҳамати, мустақиллик шарофати бу. Бошланган қурилиш узоғи билан уч ойда битса! Ишқилиб эркинлигимиз тоабад бўлиб, шу улуғ юртда фарзандларимиз яйраб-яшнаб ўсишсин!

Алимқул СУЛТОНОВ,
Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Собиқ диктатор жазоланадими?

Тиббиётчи малакали мутахассислар Чилининг собиқ диктатори Августо Пиночетни тиббий кўрикдан ўтказганларидан сўнг, Британия ҳукуматига ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шифокорларнинг хулосаларига қараганда, ҳозир Пиночетнинг соғлиги ўтган йил куздагига қараганда анча ёмонлашган. Шунинг учун собиқ диктатор суд олдида жавоб беришга жисмонан тайёр эмас. Буюк Британия ҳукумати номидан мамлакатнинг ички ишлар вазири Жек Строу берган баёнотда айтилишича, Буюк Британия ҳукумати, Чили, Испания ва умуман Пиночет ишига даҳлдор бўлган бошқа мамлакатларга мурожаатнома жўнатади.

Яқин бир ҳафта мобайнида эса Августо Пиночетни судлов жараёнларидан бутунлай озод этиш масаласи кўриб чиқилади. Кузатувчиларнинг фикрларига кўра, тез кунда Пиночет ўз ватанига қайтариб юборилиши ҳам мумкин. Буюк Британия ҳукуматининг Августо Пиночет ҳақидаги баёноти Чилининг ўзида, қолаверса, Испания ва Буюк британияликлар томонидан икки хил кутиб олинди. Пиночет раҳбарлиги даврида Чилидаги қатағонлардан жабр кўрганлар Британия ҳукуматининг бу қароридан қатъий норози эканликларини билдирсалар, собиқ диктатор тарафдори бўлганлар бу хабарни шодҳуррамлик билан қарши олдилар.

Айни пайтда диктатор тарафдорлари тантана қилишмоқда. Улар орасида Пиночет ҳукмронлиги даврида Чили билан дўстона алоқалар ўрнатган Британиянинг собиқ Бош вазири Маргарет Тэтчер хоним ҳам бор. Чили демократлари ва уларнинг Европадаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотидаги ҳаммаслаклари ҳайратда қолишган. Эслатиб ўтамиз, Августо Пиночет 1998 йилнинг октябрь ойида Лондондаги хусусий шифохоналардан бирида даволанаётган пайтида ҳибсга олинган. Ҳозир у 84 ёшда бўлиб, Лондондаги барча қулайликларга эга бўлган виллада уй қамоғида сақланмоқда.

Испания ҳукумати Пиночетни Чилига президентлик даврида минглаб бегуноҳ кишиларни қатағон қилганликда айблаб, уни одил суд ҳукмига топширишни талаб қилганди. Маълумки, 1973 йил 11 сентябрда Чилида ўнг партиялар ва ҳарбийлар исён кўтариб, қонуний президент Сальвадор Альендени ўлдирдилар, мамлакатда ҳарбий фашистик диктатура ўрнатилди. Ҳарбий хунта раҳбари генерал Пиночет бутун ҳокимиятни ўз қўлига олди. Ҳарбий ҳукумат мамлакатда оммавий репрессия ва террорни авж олдирди. 30 мингдан ортиқ киши қийноқ, азобларга дучор қилиниб, отиб ташланди. Бир миллионга яқин чилиликлар чет элларга чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. 1989 йил декабрда ўтказилган президентлик сайловларида адолат ғалаба қозонганидан сўнг Чилида Пиночетнинг узоқ йиллик тузумига барҳам берилди. Мамлакатда демократияни тўла тиклаш, эркин парламент ва президентлик сайловлари ўтказилиши учун барча шароитлар яратилди.

Можаро ва мунозара

Испанияликлар ғазабининг боиси бор, албатта. Чунки, Пиночет бошқаруви йилларида кўплаб испан миллатига мансуб аҳоли бесабаб қирғин қилинди, дом-даракси йўқ қилиб юборилди. Шу сабабли Испания Адлия вазирлиги ҳамон Пиночетни одил суд ҳукмига топшириш талабидан воз кечгани йўқ.

Британия ҳукуматининг Пиночетни судга тортмаслик ҳақидаги қарори Чили ҳукумати томонидан катта қониқиш билан кутиб олинди. Лекин, Чилининг Лондондаги элчиси Пиночет ўз мамлакатида суд олдида жавоб бериши мумкинлигини маълум қилган. Баъзи бир кузатувчилар эса Британия ички ишлар вазирининг қарори сўнггиси эмас, деб ҳисобламоқдалар. Хабарларга кўра, сўнгги вақтларда Пиночет ўзини астойдил ҳимоя қилган адвокатлари учун кунига 15 минг доллар сарфлаган. Ғарб оммавий ахборот воситалари шарҳловчилари ҳамон бир савол устида бош қотирмоқдалар. Наҳотки, Пиночет шунча террор ва қатағонлар уюштирганига қарамай, «сувдан қуруқ чиқса?». Бироқ, Ғарбдаги демократик жамоатчилик Пиночетнинг ҳарбий давлат тўнтаришини кечирмаса керак? Гарчи, Чилини у бошқарган даврида иқтисодий барқарорликка эришилган бўлса-да, ўн минглаб кишилар зўравонликларга дучор этилди. Зеро, инсон ҳуқуқларини поймол этиш энг олий жазога лойиқдир. Аммо, Британия ҳукуматининг сўнгги қарори собиқ диктаторни Испанияга эмас, балки Чилига жўнатадиган кўринади.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ, сиёсий шарҳловчи

Истеъфодан кейинги ҳаёт

Елисей саройи тарк этилгач...

Одатда Франциянинг давлат раҳбарлари — президентлар истеъфога чиқиб, Елисей саройини тарк этишгандан сўнг, ўз томорқаларида турли анвойи гулларни етиштириб, сотувчи пенсионерга айланмайдилар. Улар умрларининг охиригача фаол ижтимоий-сиёсий фаолият билан шуғулланадилар. Ҳозирги Президент Жак Ширак ҳам собиқ Президент ўзи олиб келган маошининг 70 фоизини ҳар ойда олаверади. Айни пайтда Президентнинг ойлик маоши 26 ярим минг франк, яъни 4 минг АҚШ долларидан зиёд. Тан қўриқчилари, ҳайдовчиси билан машина берилади. 4-5 хонали офисининг ҳақи ҳам давлат ҳисобидан тўланади. Бу ерда собиқ Президент ўз ёрдамчилари билан бемалол ишлайверади.

Икки бор Президентликка сайланиб, 1995 йилда истеъфога чиққан Франсуа Миттеран умуман 14 йил давомида республикага раҳбарлик қилганди. Унинг офиси Марсов майдони яқинида жойлашганди. Ҳа айтмоқчи, Миттеран ушбу бинодан кўп вақт фойдаланишга улгурмай қолди. Чунки у истеъфога чиққанидан сўнг саккиз ойдан кейин саратон касали туфайли вафот қилганди.

Президентлик ваколатини топширгандан сўнг узоқ муддат сиёсий фаолият олиб борганлардан бири собиқ Президент Валери Жискар д, Эстендир. У 1974 йилдан то 1981 йилгача Елисей саройининг хўжайини эди. У Президент сайловларида рақиби, социалист Франсуа Миттерандан енгилиб, қаттиқ изтиробга тушганди. Бироқ бу ранжиш узоққа чўзилмади.

Чунки у қисқа муддатда ўзига келди. Балиқчиликка ёки овчиликка бутун борлиғи билан шўнғиб кетмади. У ўзининг асосий юмушларини унутмади. Бундай юмушлар эса унда талайгина. Собиқ Президент қисқа муддатда ўнгларга мойил йирик партиялардан бири — Франция демократияси учун деб номланган партияни ташкил этиб, уни кўп йиллар бошқарди. Ушбу партия Жак Ширакнинг Республикани қўллаб-қувватлаш учун бирлашиш партияси билан иттифоқликда социалистларга анъанавий равишда рақобатда бўляпти. Бундан ташқари Валери Жискар д, Эстен кўп йиллар давомида Франция парламентининг депутати сифатида ташқи ишлар бўйича комиссияни бошқарди. Устига устак Жискар д, Эстен адабиёт соҳасида ҳам ўзини кўрсатди. У бир қанча томда хотира китоблари, ҳатто роман ёзди. Гарчи унинг романи бир қанча адабий танқидчилар томонидан танқид қилинган бўлсада, бу ўзига хос жасорат эди.

Энди собиқ Президентнинг ҳуқуқ органлари билан муносабатларига тўхталсак. Бу борада шуни айтиш лозимки, барча фуқаролар қонун олдида баробар. Ўзининг давлат олдидаги олий даражадаги бурчини бажараётган Президент конституциявий суднинг қарори бўлмаса, жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Лекин истеъфога чиққач, собиқ Президент ҳуқуқий жиҳатдан бошқа барча французлардан фарқ қилмайди.

Ҳабиб ҲАЙДАР, хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрлади.

Жанубий Кореядаги оддий хонадонлардан бирида

Ўтмиш сўқмоқлари

1956 йили китоб дўконларида «Ғазаб сўқмоғи» деган тарихий қисса пайдо бўлди. Ўзбекистон халқ рассоми Владимир Кайдалов шарқона юксак дид билан безаган бу китобнинг муқовасида Явдот Илёсов деган ном бор эди. Қиссада массагетларнинг Ўрта Осиёга бостириб кирган Эрон қўшинига қарши мардона кураши ҳақида ҳикоя қилинар эди. Матбуотда бу ном кам учрагани учунми, унинг муаллифи йиллар давомида илм ва ижод оламида бой ҳаёт тажрибасига эга таниқли олим бўлса керак, деган хаёлга бордим. Аммо кўп ўтмай, бу ажойиб асарнинг муаллифи, атиги йигирма беш ёшли йигит эканини билдим.

— Ҳаётда ўз йўлимни топиш ниятида турмуш сўқмоқларида анча-мунча сарсон-саргардонликдан кейин, биринчи асарим — шу қиссам қандайдир ички туйғу ва руҳий ҳарорат билан ёзилди. Шунда илк бор ижодда ўз йўлим ва асосий мавзуимни белгилагандай бўлдим, — деди Явдот оға суҳбатларимиздан бирида...

Ёзувчининг 1956 йили дастлабки буюк насрий асари — «Ғазаб сўқмоғи» қиссаси нашр қилингач, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзоликка қабул қилинди. Адиб олтмишинчи йиллари бадиий таржима билан самарали шуғулланди. Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Миртемир, Уйғун, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Мирмуҳсин, Жуманиёз Жабборов каби юзлаб ўзбек ёзувчиларининг шеър ва ҳикояларини ҳамда қорақалпоқ, қриматар, корейс қаламкашларининг асарларини рус тилига ўгирди.

Профессионал ёзувчи сифатида Явдот Илёсов деярли ўттиз йиллик самарали ижодий фаолиятида тарихий мавзунинг шайдоси эканини исботлади ва Ўрта Осиё тарихий ўтмишининг бадиий тасвирига айланган «Ғазаб сўқмоғи», «Суғдиёна», «Чипор ажал», «Қуёш ва камон», «Қора бева», «Олтин санам», «Сукут минораси», «Қисмат сеҳргари», «Анахит қасоси» каби бир қатор роман ва қиссалар, шунингдек, кўплаб шеърлар ёзди. Китобхонлар самимий қутиб олган бу асарларда адиб қадимий даврлар ҳақида ҳикоя қилар экан, юрти ва халқининг озодлиги йўлида мардлик кўрсатган ор-номусли, ориятли ва фидойи тарихий шахсларнинг сиймоларини яратди. Уларда буюк давлатларнинг эврилиши ва емирилиши, базму-жамшидлар ва очлик, жабр-изтироб чеккан халқларнинг босқинчиларга қарши кураш манзаралари жонлантирилади.

Бу китоблар, айниқса, ўзбек халқи учун жуда қимматли асарлар бўлиб, фақат узоқ ўтмиш тарихини тирилтиргани, қизиқарли ёзилгани учун эмас, миллатни ғурур ва сурурга тўлдиргани учун ҳам, ғофил бўлмасликка, ҳушёрликка чақиргани учун ҳам мўътабар ва азиздир. Бу ғоялар унинг барча қисса ва романларида изчил давом эттирилди.

Узоқ асрлар қаърида унутилиб, алғов-далғов замонлар қуюнлари чангида кўмилиб кетган тарихни мавҳумли оламидан қатра-қатра териб, чанг-ғубордан тозалаб, бизга етук бадиий асарлар шаклида туҳфа қилган бетаккор санъаткор китобхонларни бундан 25 аср аввалги ўтмиш билан таништирар экан, одамларнинг ахлоқий-маънавий чизгиларининг долзарб муаммолари ҳақида мушоҳадаларга чорлайди.

Қаламқаш ўз асарларига буюк подшолар ва лашкарбошиларни эмас, оддий инсонларни бош қаҳрамон қилиб олади, босқинчиларга қарши курашга халқларнинг бирлиги ва дўстлиги ғалаба келтириши мумкин эканини тасдиқлайди.

Миллат ва маънавият

Ёзувчи учун тарихий мавзуда асар яратиш, бу геологнинг ер тагидан фойдали қазилмаларни қидиришидай гап. Бу фойдали қазилмалар қадимда ташкил топиб, шаклланган, энди бугунги авлодларга ҳам, келажак наслларга ҳам хизмат қилмоқда.

Явдот Илёсов, истеъдодли, мустақил фикрлайдиган, узоқ ўтмишдаги одамларнинг оққўнгил ва ҳийлакор тақдирларини теран таҳлил қила оладиган, энг муҳими, тарихий материаллар ичига кириб бориш ва уларнинг тарихий аҳамиятини англаш маҳоратини мустақил ўрганди, уни тўла ишончли тасвирлаш даражасига кўтарилган адиб сифатида шаклланди, Адабиётда дилетант, яъни даврларни қатларидан таҳлил қила оладиган ижодкор сифатида танилди.

Жаҳон адабиётининг мумтоз ижодкори, шоир ва олим Умар Хайём ҳақидаги «Қисмат сеҳргари» ва «Сукут минораси» қиссалари шунинг учун ҳам адиб адабий фаолиятида алоҳида аҳамиятлидир. Муаллиф форсий шоир, фалакиётчи, риёзатчи, файласуф бадиий сиймосини ёритишга дадил киришди. Унинг бошқа асарларидай, бунда ҳам китобхон руҳиятини чулғаб оладиган инсонийликка хос ахлоқий-маънавий муаммолар атрофида фикрлашга чорлайди.

Филология фанлари доктори, профессор Шоислом Шомуҳаммедов адибнинг бу китобларига юксак баҳо бериб, шундай ёзган эди: «Қисмат сеҳргари» ва «Сукут минораси» муаллифининг биринчи ва энг буюк ютуғи шундаки, у улуғ Хайёмнинг мураккаб қалбини тўғри англаб, уни очиқ-ойдин ва ишончли кўрсата олди. «Давр ва Хайём» муаммоси адиб томонидан теран таҳлил этилди. «Ғазаб сўқмоғи» қиссасининг бош қаҳрамони Широқнинг Эрон шоҳи Дорога қараб айтган: «Соғлом ақлли одамлар қўлида қилич билан бойлик ортидан қувиб, ажнабий юртларда изғиб юрадиларми? Улар ўз юртларида меҳнат эвазига бойлик топар эдилар», деган сўзларини тез-тез эслаб тураман. Бундай сўзлар унинг ҳамма асарларига хос бўлиб, улар бундан 30-40 йил олдин ёзилиб, узоқ ўтмиш билан боғлиқ бўлсада, бугун ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

Адибнинг сўнгги асарларидан бири «Анахит қасоси» қиссаси Рим босқинчиларининг Шарққа юришларида Ўрта Осиё халқларининг уларга қарши курашига бағишланган бўлиб, унинг бош қаҳрамони Яксарт душманни ҳалокат ёқасига олиб келиб, тормор қилади. Бу билан у, бу ерга ким қилич билан келса, ўзининг сўнгги йўлини топади, деган ҳақиқатни китобхон қалбига сингдиради.

Явдот оға нозик табиатли, тортинчоқ инсон бўлиб, унда бир-бирини тўлдирган, бир-бири билан ҳамнафас бўлган, ҳамма ҳавас қилса арзийдиган икки чизиғи унинг шахсиятида мужассамлашган эди. У нафақат адабиёт шайдоси, айни замонда мўйқаламмаси анча камолга етган мусаввир эди. Адиб рангтасвир мухлиси сифатида умрининг охиригача манзара, натюрморт, портрет жанрларида расм чизишни канда қилмай яшади. В. Кайдалов, А. Зеликов, В. Будаев каби ўнлаб таниқли мусаввирлар билан ҳамкорлик қилди. Улар адибнинг рангтасвир асарларига санъат нуқтаи назаридан юксак баҳо берардилар. У ҳар бир янги асарининг сўнгги нуқтасини қўйиб чарчаганда, баъзида руҳий тушкунликка берилган чоғларида шундай дерди: «Мен нега мусаввир бўлмадим? Қишлоққа чиқиб кетардим, ариқлардаги сувнинг жилдирашини, қамишларнинг шивирлашини тинглаб табиат манзараларини чизардим».

Адиб ижодий, руҳий қўтарилиш оғушида улкан режалар билан яшар, тўплаган муҳим материаллари асосида, янги асар ёзишга киришган эди. Фақат... тасодифий ўлим уни олиб кетди. Шаҳардаги қўллардан бирида чўмилаётганда, чўкиб ҳалок бўлди. Бу воқеа 1982 йилнинг ёзида юз берди.

Шундан бери анча вақт ўтди. Адибнинг асарлари ҳамон нашр этилмоқда ва севилиб ўқилмоқда. Явдот Илёсовнинг зарур ва олижаноб мардлик туйғуларини уйғотувчи, таскин ва далда берувчи, ватанпарварлик руҳида тарбияловчи китоблари ўзи ҳаётлик вақтида унинг кўзини қувонтира олмади. Уни яқиндан билган ва ижодий ҳамкорликда бўлган таниқли шоир Маъруф Жалил адибнинг «Суғдиёна» романини 1982 йили ўзбек тилига таржима қилиб, тақдирлашга лойиқ савобли қадам қўйди. Роман 1994 йили «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида қайта чоп этилди.

Маъруф Жалил бу асар хусусида биз билан суҳбатда шундай ҳикоя қилди:

Бўйлаб

— Бу асар билан талабалик давримда таниш бўлган эдим. Ўшанда бу китобнинг ўзбек тилида нашр этилишини, халқимиз ўз аждодлари ўтмишларини ўқиб билишларини жуда-жуда орзу қилган эдим.

Мен бу китобни Явдот аканинг таклифи билан таржима қилдим. Муаллиф ўқиб, жуда хурсанд бўлди. Ўзбек тилини яхши биларди. Кўп шоир, ёзувчиларимиз асарларини рус тилига ўзбекчадан ағдарган эди.

Ҳа, таржимон-шоир қайд этганидек, бутун орзу-умидларини, истеъдодини, ҳаётини тарихимиздан асарлар ёзишга бағишлаган адиб, ўз бахтини, шон-шуҳратини шунда кўрган бўлса, миннатдор эл бир кун қадримга етар деб умид қилган бўлса ажаб эмас. Явдот Илёсов Ўзбекистон озод бўлган кунларни кўраолмади. Аммо у ўз асарлари билан шу кунлар келишига хизмат қилган эди.

Сафтер НАҒАЕВ, қрим-татар адиби

Табиий офат зарарлари

Хитойнинг Шинжон-Уйғур мухтор туманида шу йилнинг бошидан буён давом этаётган кучли қор бўронлари оқибатида қурбонлар сони тўққиз кишига етди. ХХР оммавий ахборот воситалари маълумотларига қараганда, туманнинг тоғли ҳудудларида яшовчи 18 мингга яқин аҳоли ташқи дунёдан бутунлай ажралиб қолган. Ем-хашак етишмаслиги ва совуқдан 3 мингга яқин чорва моллари нобуд бўлди. Баъзи жойларда транспорт, электр таъминоти ва телефон алоқаси ишдан чиқди. Айни пайтда табиий офатдан кўрилган зарар 3,12 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Қонун кучлими ёки ҳуррак?

Яқинда Канаданинг Ванкувер дорилфунуни тиббиёт факультети биносида ажабтовур бир тажриба ўтказилди. Канаданинг Ричмонд шаҳрилик Марк Томпсон Хеббард уйқуга ётқизилиб, унинг боши узра 60 сантиметр баландликда овоз даражасини ўлчовчи махсус мослама ўрнатилди. Хеббард уйқуга кетди ва зум ўтмай ҳуррак товуши оламни тутди, овоз даражасини ўлчовчи мослама эса 90 децибеллни кўрсатди. Қонун бўйича эса Ванкувер шаҳрида қатновчи транспорт воситаларининг шовқини 80 децибеллдан ошмаслиги шарт. Айни чоғда Хеббард ўзининг Ванкувер шаҳрида истиқомат қилишга қонунан ҳақли ёки ҳақли эмаслигини аниқлаш билан банд.

Денгиз тагида газ бор...

Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг хабар қилишича, яқинда Жанубий Кавказ минтақасида жойлашган Каспий денгизи тубида яна бир катта газ кони топилганлиги эълон қилинди. Иқтисодчиларнинг фикрича, бу минтақадаги газ сотувчи мамлакатлар ўртасидаги рақобатни янада кучайтиради. Озарбойжоннинг Сукар давлат нефть компанияси раҳбарларидан бири Илҳом Алиев Каспийда жуда катта ҳажмдаги газ заҳираларига эга яна бир кон топилганини баён қилиб, эндиликда мамлакат нафақат Туркия, балки Европа мамлакатларини ҳам ўз гази билан таъминлай олишини таъкидлади. Илҳом Алиев Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиевнинг ўғли бўлиб, яқинда мамлакатдаги ҳукмрон партия раислигига сайлангани инобатга олинса, ушбу баёнот нафақат иқтисодий, балки сиёсий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги намоён бўлади. Озарбойжон расмийларининг хабар қилишича, Каспийдаги «Абширон» конида уч триллион куб.метр ҳажмида газ заҳиралари борлиги аниқланган. Бу рақам янги кон шу пайтга қадар Озарбойжоннинг энг йирик деб ҳисобланган «Шоҳ Денгиз» газ конидан қарийб беш баробар каттароқдир дегани. Маълум бўлишича, «Шоҳ Денгиз» конидаги газ заҳиралари 700 миллиард куб.метр деб баҳоланмоқда. Ўтган йилнинг июнь ойида Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев «Шоҳ Денгиз» номи берилган катта газ кони топилганини эълон қилиш орқали унинг мамлакати Россия, Эрон ва Туркманистон билан газ таъминоти масаласида рақобатлашиш ниятида эканлигига ишора қилганди. Ўз газига эга бўлган бу мамлакатларнинг барчаси маҳсулотларини биринчи галда Туркияга сотишга ҳаракат қилмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, рақобатлашиш жиҳатидан Озарбойжоннинг яна бир афзаллиги бор. Агар жўғрофик сабабларга кўра, Туркманистон ўз газини Туркияга Озарбойжон орқали ўтувчи газ қувури ёрдамида жўнатишга қарор қилса, бу ҳолда Озарбойжон ҳам қувурдан фойдалана олади. Лекин Туркманистон Озарбойжонга бундай катта улуш ажратилишини хоҳламаса керак.

Нигоҳ

Озарбойжоннинг «Абширон» конидан газ олиш ишлари бир неча йилдан кейин бошланиши кутилаётган бўлса ҳам, бироқ бу ишлар қанчага тушиши ва қандай фойда келтириши борасидаги ҳисоб-китоблар ҳозирдан бошланишини таҳмин қилиш мумкин. «Сукар» нефть компанияси «Абширон» консорциумининг уч ярим миллион долларга тенг бўлган 50 фоиз акцияларига эгалик қилади. Бошқа акциядорлар — АҚШдаги Шеврон корпорацияси акцияларнинг 30 фоизи, Франциянинг «Total» компанияси эса акцияларнинг 20 фоизига эга. Озарбойжонда янги газ кони очилгани ҳақидаги хабар муҳим бир вақтга тўғри келди. Бундан бир неча кун илгари Туркиянинг Эрон газини белгиланган муддатда харид қилмагани учун мамлакатга 120 миллион долларлик жарима солиниши масаласи бўйича икки томонлама музокаралар бошланиши кутилган эди. Теҳрон ва Анқара бу музокараларни кейинга қолдириш ҳақида келишиб олишди. Айни пайтда Россия ўз газини Қора денгиз орқали Туркияга жўнатиш режасини эълон қилди. Туркманистон ва Қўшма Штатлар Каспийдан ўтувчи газ қувури масаласи бўйича музокара ўтказишди. Илҳом Алиев янги газ кони ҳақидаги ўз баёноти ёрдамида отаси Ҳайдар Алиев қўллаган стратегияни яна бир бор ишга солди. Каспийда жуда катта ҳажмдаги газ заҳиралари борлигини эълон қилиш орқали у асосий эътиборни Озарбойжондаги нефть заҳиралари кутилганидан анча камроқ бўлиб чиқаётгани масаласидан бошқа томонга қаратишга ҳаракат қилмоқда. Каспийдан Озарбойжонга қарашли қисмида яна бир газ кони аниқлангани минтақадаги газ сотувчи мамлакатлар ўртасида рақобат кучайишидан ташқари, газнинг нархи бир неча баробар камайишига ҳам олиб келиши мумкин.

Кўчқор НОРҚОБИЛ

Бахни тингловчи дельфинлар

Ҳайрон қоласан киши. Ҳозир ҳамма эстрада қўшиқларни эшитади, мумтоз ашулаларни кам тинглайди, деб қолишади баъзан. Лекин бу гапларнинг бариям ростга ўхшамайди. Олимлар, айтяптики, эстрада мусиқаси одамни чарчатади.

Америкалик олим Дэн Вагнер дельфинлар устида ғалати тадқиқот ўтказди. Унинг кузатишлари якунига қараганда, дельфинлар мумтоз қўшиқларни сел бўлиб «тингларкан». Айниқса, Бахни. Вагнер дельфинларга рок мусиқани ҳам қўйиб берувди, маҳлуқлар жонсарак бўлиб, гангиб «йиқилишди».

Жонзот борки, бир-бирига қарама-қарши бўлиши ҳам мумкин. Чўчқа дельфиннинг акси экан. Швед олими Ларс Кнутсон ҳам чўчқалар билан худди шундай тажриба ўтказди. Қарангки, чўчқадай «зийрак» ҳайвон Бахни «эшитганда» қутуриб кетаркан. Рокка мос «рақс» тушаркан. Бу тадқиқотдан нима наф, нима зарар, билмадик-ку, қизиғи, ҳатто ҳайвонлар ҳам мусиқага бефарқ эмас экан.

Дельфинлар Бахни тингласа тинглар, лекин биздаям танбур эшитадиган «тингловчи»лар борлигиниям эслаб қўйиш керакдай, туюлади.

Эркли ЭРГАШ қизи

Менда таклиф бор

Ном топиш қийин эмас

Тошкент вилоятида Чирчиқ шаҳри бор. Уни кўпчилик кимёгарлар шаҳри, деб ҳам атайди. Аммо, пойтахт вилоятида Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ номи билан аталадиган туманлар ҳам бор. Баъзан шу туманларга янги, шу жойларнинг ўзидан келиб чиқиб ном топиш қийинми, деган хаёлга бораман.

Менимча, шу туманларнинг ўтмиши ёки бугуни билан боғлиқ бинойидек ном топиш мумкин. Чирчиқ дарёси билан боғлаб битта шаҳар ва учта туманни номлаш мантиққа унча тўғри келмайди. Қолаверса, мустақил юртнинг шу жойлари ҳам қадрли номларга муносиб.

Албатта, таклифимни кўпчилик иқтисод билан боғлаб, сарф-харажатни рўкач қилиб зарурат эмас, дейиши мумкин. Лекин, мустақиллигимизнинг тўққизинчи йилига қадам қўйган юртнинг ҳар бир тумани арзигулик, ўзига хос ва мос ном билан аталса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ, журналист

Эркин фаолият гарови

Юртимиз истиқлолга эришганидан кейинги йиллар ичида иқтисодиётни эркинлаштириш борасида талай ишлар қилинди ва қилинмоқда. Биргина Тошкент шаҳридаги мавжуд 2 минг 350 корхонанинг 90 фоизи нодавлат секторига тегишли эканлиги фикримиз далили. Тошкент давлат университети журналистика факультетида ўтказилган «Нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва ҳамжамият» номли семинар ҳам ана шу мавзуга бағишланди. Анжуманда сўзга чиққан «Коунтур парт» ташкилоти раҳбари Гулноза Ҳидоятова нодавлат ташкилотларнинг вазифаси, мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни устида тўхталди.

— Иқтисодиётнинг эркинлашуви ҳар бир жамоанинг бозордаги эркин фаолияти гаровидир, — деб таъкидлади у.

Семинар ишида жамоат бирлашмалари раҳбарлари, тадбиркорлар ва талабалар иштирок этди.

Шуҳрат ОРИФ

Мушоҳада

Луғатлар мукаммал бўлсин

Республикамизнинг жаҳон коммуникация тизимига киришини жадаллаштириш мақсадида «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Қонунни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августда 339-сонли қарорига кўра «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» тасдиқланди. Бунда «Ҳарфлар имлоси», «Асос ва қўшимчалар имлоси», «Қўшиб ёзиш», «Чизиқча билан ёзиш», «Ажратиб ёзиш», «Бош ҳарфлар имлоси» ва «Кўчириш қоидалари»дан иборат бўлган 82 банд мужассамлашган.

Янги имло қоидалари бирмунча пухта тузилганлиги билан бир қаторда айрим етишмовчилик ва нуқсонлари ҳам йўқ эмас. Келгусида лотин ҳарфларига асосланган янги имло қоидаларимизнинг назарий жиҳатдан янада мустаҳкамланиши, такомиллашиши ҳамда унинг амалий қиймати янада ошишига ишончимиз комилдир. Ҳозирда «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари»га қатъий риоя қилишимиз, қоидалаштирилган ҳодисалар доирасида саводхонликка эришишга астойдил ҳаракат қилишимиз шарт.

Худди ана шу нуқтаи назардан, яъни «Имло қоидалари — саводхонлик асоси» эканлигидан далолат берувчи «Имло луғати» муҳим ва долзарб қўлланма ҳисобланади. «Имло луғати» кимлар учун мўлжалланганлигидан қатъи назар, ундаги луғат бирликлари — сўзлари ёзилишида имло қоидалари асосида бир хил ёзилиши керак, албатта.

Ўтган беш йил давомида тўртта «Имло луғати» чоп этилди. Тўртала луғат сўзликларини синчковлик билан кўздан кечирсангиз, уларни ўзаро солиштириб кўрсангиз, таассуфлар бўлсинки, турли хил кўринишларнинг шоҳиди бўласиз. Имконият ва зарурият бор жойларда «Имло луғати» китобининг чоп этилиши, албатта яхши. Аммо барчасида ҳам «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари»га қатъий риоя этилиши шарт! Акс ҳолда турли хил чалкашликлар, бир хил сўзни турли китобларда турлича ёзишлар давом этаверади. Бу ҳол имло саводхонлигига салбий таъсирини ўтказмай қўймайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, чоп этилган тўртала «Имло луғати»нинг ҳар бири мазмун-мундарижаси билан ўз йўлида муҳим амалий аҳамият касб этади. Бироқ бизнинг мақсадимиз кимнидир мақташ, кимнидир танқид қилиш эмас, балки илдам қадамлар билан ривожланаётган мустақил республикамиз аҳолисининг имловий саводхонлигини тўлиқ ва пухта таъминлаш жараёнидаги айрим муаммоли, мунозарали масалаларга фикр билдиришдан иборатдир.

Маълумки, луғатдаги сўзлар лотин графикаси асосидаги янги алифбо (алфавит) сирасига мувофиқ тузилади, дейилганлиги сабабли, луғатдан керакли сўзни ахтариб топа олиш учун алифбо (алфавит) сирасини билиш шарт. Бинобарин, алифбодаги ҳарфлар сирасига асосан керакли сўз қидирилади.

Таълим тизимининг биринчи синфлариданоқ ўрганилаётган алифбодаги ҳарфларнинг жойлашиш тартибини ёд билишнинг алоҳида амалий аҳамияти борлиги таъкидлаб келинади. Дарҳақиқат, ҳар қандай луғат (бундан «Частотали луғат», яъни сўз қўлланишининг кўпидан озига қараб жойлаштириладиган луғатлар мустасно) китоби — қўлланмаси алифбо (алфавит) тартибида тузилади. Бундай тузиш, албатта, луғатдан фойдаланишни осонлаштиради, керакли сўзни луғатдан тез топиш имкониятини яратади. Таассуфлар бўлсинки, «Ўқитувчи» нашриёти томонидан 1995 йилда чоп этилган янги «Ўзбек тилининг имло луғати»нинг баъзи саҳифаларида янги алифбо тартиби бузилган. Булар, шунингдек, икки хил шаклда ёзилган сўзлар ҳамда имло қоидаларига риоя этилмай, хато ёзилган сўзлар тўғрисида «Маърифат» газетасининг 1998 йил 11 февраль сонида фикр-мулоҳазаларимиз билдирилган. Мустақил республикамиз тарихида иккинчи бўлиб 1998 йилда «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи томонидан чоп этилган «Ўзбек тилининг имло луғати» (Тузувчилар: Э.Д. Панасенко, Э.А. Умаров) китобида ҳам алифбо сирасидаги ҳарфлар тартиби ўнлаб эмас, ҳатто юзлаб ўринларида бузилган. Китобнинг учинчи саҳифаси бутунлай таҳririга муҳтож! Олтинчи саҳифасида келтирилган «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси»даги «Ёзма» ҳарфлар шаклларини асти қўяверасиз?! Аа, Дд, Мм, Тт ҳарфларидан ташқари 25 та ҳарфнинг ёзма шаклига қўшилиб бўлмайди. Шунингдек, «Аъло», «аълочи», «аъзо» каби ўнлаб фаол сўзлар мураккаб ҳарфлар назаридан четда қолган...

1998 йил охирида «Ёзувчи» нашриёти томонидан чоп этилган «Долзарб луғат» (Тузувчи: Маҳмуд Йўлдошев)ида эса лотин графикасидаги ўзбек алифбоси сирасидаги «ў» ва «ғ» қарийб барча саҳифаларда нотўғри ёзилган: «Тутуқ белги»си фарқланмаган. Мазкур луғатда «кирилл», «июнь», «июль», «концерт», «тижорат», «ўзига-ўзи», «ўзидан-ўзи», «ҳар хил», «ҳар қандай», «мўътабар» каби қатор сўзлар нотўғри ёзилган. Ҳозирги кунда жуда фаол қўлланаётган «лицей», «коллеж», «касб-ҳунар», «компьютер», «маркетинг», «менежер», «менежмент», «бюджет» каби сўзлар киритилмаган.

1999 йилда «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти томонидан чоп этилган «Ўзбек тилининг кирилл ва лотин алифболаридаги имло луғати» (Тузувчилар: Т. Тоғаев, Г. Тавалдиева, М. Акромова) китоби сифатли қоғозда чиройли нашр этилганлиги билан ажралиб туради.

14 мингдан ортиқ сўзни ўз ичига олган ушбу луғат рус графикаси асосидаги ўзбек алифбоси тартибида тузилган бўлиб, унда кириллча сўз ёнида ўзбек лотин ёзувида келтирилган. Ҳақиқатан ҳам, тузувчилар таъкидлаганларидек, ...луғатда сўзларнинг кирилл ва лотин алифболарида ёзилиб ёнма-ён берилиши кўргазмалилик ҳолатини касб этади. Сўзларни таққослаш орқали ўқувчи кирилл алифбосидаги ҳарфлар янги алифбода қандай ҳарфлар билан ифодаланишини билиб олишлари таълимда яхши натижа беради. Ҳар икки имло қоидалари мазмунининг ўзаро уйғун ва фарқли томонларини ушбу луғат ёрдамида қиёслаб ўрганиш имкони туғилади. Сўзларнинг ҳар икки алифбода ёзилиши графика жиҳатидангина эмас, айрим ҳолатларда аввалги ва такомилдаги имло қоидалари мазмунининг ўзаро ўхшаш